

МАЪРУЗАЛАР БЎЙИЧА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛ

“Маъмурий жавобгарлик”

Маъруза мавзуси: *Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик*

Маърузачи: Р.С.Алтиев

1. МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг асосий мақсади:

Маърузада “Маъмурий жавобгарлик” модулининг 7-мавзусини ёритишга мўлжалланган режадаги “Тухмат. Ҳақорат қилиш. Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш. Ҳужжатлар билан танишиб чиқишни асоссиз равишда рад этиш. Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш. Фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш. Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузиш. Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш. Васийлик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш. Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги талабларни бузиш. Иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаслиги. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаш. Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш. Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлов. Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш” ҳақидаги асосий тушунчаларни бериш ва талабаларда мазкур ҳуқуқ институтлари ҳақида тегишли билимларни шакллантиришдан иборат. Маъруза жараёнида мавзуга доир муаммоли масалалар юзасидан савол-жавоблар ўтказилади, амалиёт таҳлил қилинади, муаммоли масалалар бўйича тарқатма материаллардан фойдаланилади.

Маъруза натижасида талаба:

- маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлиш имкониятига эга бўлади;
- маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, тегишли моддий ва процессуал қонун нормаларини қўллай олиш кўникмасига эга бўлади;
- ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- тарқатма материалларни ўрганиш, ўз муносабатини билдириш, қонунларни амалётга қўллай олиш тайёрлаш кўникмасига эга бўлади;

2. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- ✓ Маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ✓ Маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар мазмунини ҳақида тушунча берилади;

- ✓ Мавзуга оид миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- ✓ Режа асосида слайдлар ёрдамида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш тушунтирилади;
- ✓ Мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- ✓ Муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- ✓ Зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- ✓ Асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага якун ясалади.

3. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

- **Тухмат** - тухмат, яъни била туриб ёлгон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатишда ифодаланади.
- **Ҳақорат қилиш** - Ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва кадр-қимматини қасддан камситишда ифодаланади.
- **Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - Фуқароларнинг тарбия ва таълим беришда тилни эркин танлашдан иборат ҳуқуқларини бузиш, тилдан фойдаланишда тўсқинлик қилиш ва чеклаш, давлат тилини, шунингдек Ўзбекистон Республикасида яшовчи бошқа миллатлар ва элатларнинг тилларини менсимасликда ифодаланади.
- **Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганликда ифодаланади.
- **Ҳужжатлар билан танишиб чиқишни асоссиз равишда рад этиш** - Фуқарога унинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини беришни асоссиз равишда рад этишда ифодаланади.
- **Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш** - Турар жойга унда истиқомат қилувчиларнинг хоҳиш-иродасига хилоф равишда ноқонуний тарзда кириш, мансабдор бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.
- **Фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш** - Тиббий ёки тижорат сирларини, ёзишма ва бошқа хабарлар, нотариал ҳаракатлар, банк операциялари ва жамғармалар сирларини, худди шунингдек фуқарога, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига маънавий ёхуд моддий зарар етказиши мумкин бўлган бошқа маълумотларни ошкор этишда ифодаланади.
- **Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик** - Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келишида ифодаланади.
- **Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик** - Ота-она қарамоғидан маҳрум

бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни шундай болалар турган муассаса раҳбари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси томонидан васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик, худди шунингдек улар томонидан ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақида атайин нотўғри маълумотлар беришда ифодаланади.

- **Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш ва никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.
- **Васийлик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш** - васийликка олинганнинг зарарига ғаразли мақсадларни кўзлаб васийликдан ёки ҳомийликдан фойдаланиш ёки уни назоратсиз ва зарур моддий ёрдамсиз қолдиришда ифодаланади.
- **Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида ифодаланади.
- **Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги талабларни бузиш** - вояга етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланишда ифодаланади.
- **Иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаслиги** - иш берувчининг ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича қонун билан белгиланган ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаслигидир.
- **Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаш** - вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлашдир.
- **Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат қўшимча кафолатларни таъминлайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини яратишга доир қарорларини бажармаслик, худди шунингдек аввал талабнома берилган, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим олган, шунингдек касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва малакасини оширишга юборилган шахсларни ишга қабул қилишни рад этишдир.
- **Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлов** - қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, меҳнатга бирон бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлашдир.
- **Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - ногиронлар ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз кириши учун, шунингдек темир йўл, ҳаво, сув, шаҳарлараро автомобиль транспортидан, шаҳар ва шаҳар атрофига қатнайдиган йўловчилар транспортининг барча турларидан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишдаги алоқа ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиши учун шароитлар яратиш бўйича талабларни бажармасликдир.

4. МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш – ишни кўриб чиқишга тайёрлашдан бошланади. Ишни кўриб чиқиш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс):

1) мазкур ишни кўриб чиқиш ўзининг ваколат доирасига кириш-кирмаслиги;
2) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар тўғри тузилган-тузилмаганлиги;

3) ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахслар уни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинган-қилинмаганлиги;

4) зарур қўшимча материаллар сўраб олинган-олинмаганлиги;

5) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс, жабрланувчи, қонуний вакиллар, адвокат қилган илтимослар тўғрисидаги масалаларни ҳал этади.

Аксарият ҳолатларда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш шу ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда кўриб чиқилади.

Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳуқуқбузарнинг истиқомат жойида кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бошқа жойда кўриб чиқиши ҳам назарда тутилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш мазкур ишни кўриб чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар олинган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичида кўриб чиқилади.

Ишни кўриб чиқиш шу ишни кўрувчи органнинг таркибини эълон қилиш ёки мансабдор шахсни таништиришдан бошланади.

Ишни кўриб чиқувчи органнинг мажлисида раислик қилувчи ёки ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахс қандай иш кўриб чиқиши лозимлигини, маъмурий жавобгарликка ким тортилаётганлигини эълон қилади, ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларини тушунтиради, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани ўқиб ешиттиради. Мажлисида ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахсларнинг сўзлари ешитилади, келтирилган далиллар ўрганилади ва тушган илтимослар ҳал этилади. Ишни кўриб чиқишда прокурор қатнашган тақдирда унинг ҳулосаси ўқиб ешиттирилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс):

а) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлигини;
б) ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойни;
в) мазкур шахс уни содир этишда айбдор-айбдор эмаслигини;
г) унинг маъмурий жавобгарликка тортилиш-тортилмаслигини;
д) жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар бор-йўқлигини;

е) мулкӣ зарар етказилган-етказилмаганлигини;

ж) ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаши шарт.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтида тегишли орган баённома юритади. Унда:

1) мажлис бўлган сана ва жой;
2) ишни кўриб чиқувчи органнинг номи ва таркиби;
3) кўрилаётган ишнинг мазмуни;
4) ишда қатнашувчи шахсларнинг ҳозир бўлган-бўлмаганлиги ҳақидаги маълумотлар;

5) ишни кўришда қатнашувчи шахсларнинг тушунтиришлари, уларнинг илтимослари ва бу илтимосларни кўриб чиқиш натижалари;

б) ишни кўриб чиқиш пайтида ўрганилган ҳужжатлар ва ашёвий далиллар;

7) қабул қилинган қарорни ўқиб ешитириш тўғрисидаги маълумотлар ва қарор устидан Шикоят бериш тартиби ва муддатлари тушунтирилганлиги кўрсатилган бўлади.

Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг, жабрланувчининг ва ўзга манфаатдор шахсларнинг илтимосига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилиши қандай бораётганлиги белгиланган талабларга мувофиқ равишда юритилувчи баённомада акс еттирилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш баённомаси тегишинча орган мажлисидаги раислик қилувчи ва котиб томонидан ёки ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахс томонидан имзоланади.

Орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, шу иш юзасидан қарор чиқаради.

Қарорда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- а) қарор чиқарган органнинг (мансабдор шахснинг) номи;
- б) иш кўриб чиқилган сана;
- в) ишни кўриб чиқилаётган шахс хусусидаги маълумотлар;
- г) ишни кўриб чиқиш пайтида аниқланган ҳолатларнинг баёни;
- д) мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат;
- е) иш юзасидан қабул қилинган қарор.

Башарти маъмурий ҳуқуқбузарлик учун органлар (мансабдор шахслар) томонидан маъмурий жазони қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш пайтида айбдордан етказилган мулкий зарарни ундириб олиш масаласи ҳам ҳал этиладиган бўлса, иш юзасидан чиқарилган қарорда ундириб олиниши лозим бўлган шу зарарнинг миқдори, уни ундириб олиш муддати ва тартиби кўрсатилади.

Иш юзасидан чиқарилган қарорда олиб қўйилган ашёлар ва ҳужжатлар, шунингдек, ушлаб турилган транспорт воситалари тўғрисидаги масала ҳам ҳал этилган бўлиши лозим.

Қарор мажлисда иштирок этаётган коллегиял орган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор мансабдор шахс томонидан, органнинг қарори - мажлисда раислик қилувчи ва котиб томонидан имзоланади.

Жазо қўллаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги баённомага тегишли ёзув ёзиб қўйилади.

Орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

- 1) маъмурий жазо қўллаш тўғрисида;
- 2) ишни юритишни тугатиш тўғрисида.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор ишни кўриб чиқиш тугаши биланоқ дарҳол эълон қилинади.

Қарорнинг нусхаси уч кун ичида устидан шу қарор чиқарилган шахсга, шунингдек, ўзининг илтимосига кўра жабрланувчига топширилади ёки жўнатилади.

Қарорнинг нусхаси тилхат билан берилади, башарти қарорнинг нусхаси жўнатилса, бу ҳақда ишга тегишли ёзув ёзиб қўйилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) ҳуқуқбузарга нисбатан маъмурий жазо қўллаш ҳақида чиқарилган қарорни шу ҳуқуқбузар ишлаб ёки ўқиб турган жойдаги маъмурият еътиборига етказди.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) қабул қилинган қарор тўғрисида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузган мансабдор шахснинг еътиборига етказди.

5. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:

- Тухмат ҳуқуқбузарлигининг юридик тарткибини таҳлил қилинг.

- Ҳақорат қилиш ҳуқуқбузарлигининг юридик тарткибини таҳлил қилинг.
- Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳуқуқбузарлигининг юридик тарткибини таҳлил қилинг.
- Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳуқуқбузарлигининг юридик тарткибини таҳлил қилинг.
- Ҳужжатлар билан танишиб чиқишни асоссиз равишда рад этиш ҳуқуқбузарлигининг юридик тарткибини таҳлил қилинг.
- Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш ҳуқуқбузарлигининг юридик тарткибини таҳлил қилинг.
- Фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш ҳуқуқбузарлигининг юридик тарткибини таҳлил қилинг.
- Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик ҳуқуқбузарлигининг юридик тарткибини таҳлил қилинг.
- Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик ҳуқуқбузарлигининг юридик тарткибини таҳлил қилинг.
- Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳуқуқбузарлигининг юридик тарткибини таҳлил қилинг.
- Васийлик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш ҳуқуқбузарлигининг юридик тарткибини таҳлил қилинг.
- Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳуқуқбузарлигининг юридик тарткибини таҳлил қилинг.
- Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги талабларни бузиш ҳуқуқбузарлигининг юридик тарткибини таҳлил қилинг.
- Иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаслиги ҳуқуқбузарлигининг юридик тарткибини таҳлил қилинг.
- Вактинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаш ҳуқуқбузарлигининг юридик тарткибини таҳлил қилинг.
- Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳуқуқбузарлигининг юридик тарткибини таҳлил қилинг.
- Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлов ҳуқуқбузарлигининг юридик тарткибини таҳлил қилинг.
- Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳуқуқбузарлигининг юридик тарткибини таҳлил қилинг.

6. МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 08.12.1992 й. қабул қилинган.
- 2) Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Ўзбекистон Республикаси 22.09.1994 й. 2015-ХИИ-сон Қонуни билан тасдиқланган.
- 3) Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабр Қонуни // ЎЗР ОМА, 2001, №1-2, 21-м.
- 4) “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 29.09.2010 й. ЎРҚ-263-сон Қонуни билан қабул қилинган // ЎЗР ОМПА, 2010 й.
- 5) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги 2000 йил 21 сентябр Қарори // ЎЗР ҚХТ, 2000, № 6, 99-модда.

- 6) Хамедов И. Административное право. Учебник.- Т.:УМЭД, 2004. – 234 с
- 7) Эркин Хожиев, Тўлкин Хожиев. Маъмурий ҳуқуқ: Бакалавриятнинг 5380100 - Юриспруденсия йўналиши талабалари учун дарслик / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев.– Т.: 2006.– 800 б.
- 8) Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик / Х.Т. Одилқориев, И.Исмаилов, Н.Т. Исмаилов ва бошқ.; проф. Х.Т. Одилқориев ва Б.Е.Қосимовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010. – 640 б.
- 9) Эркин Хожиев, Тўлкин Хожиев. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2008. – 608 б.